

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI MOЛИЯ BAZИPЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI ДAVЛAT COЛИҚ ҚЎMITACИНИНГ  
ҚAPOPИ

**288** Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотиш бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1684-1*

*(2011 йил 15 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сон «Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг сақланиши ус-тидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 22-сон, 191-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 22 апрелдаги 100, 2006-44-сонли қарори (рўйхат рақами 1684, 2007 йил 26 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 22-сон, 231-модда) билан тасдиқланган «Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотиш бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш тўғрисида»ги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2011 йил 14 июнь,  
35-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2011 йил 14 июнь,  
2011-20-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2011 йил 14 июндаги  
35, 2011-20-сон қарорига  
ИЛОВА

**Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотиш  
бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини  
ташқил этиш тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 31-банднинг «ж» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ж) донни норматив кўрсаткичларга қадар қуриштириш ва тозалаш бўйича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хизматлар кўрсатишдан олинандиган суммага:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинандиган счётлар» счёти;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти».

2. 35-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Агар донни тизим ичида қайта жойлаштириш бўйича етказиб бериш (олди-сотди) шартномалари шартларига мувофиқ етказиб берувчи томонидан харидорга тозалаш ва қуриштириш бўйича кўрсатилган хизмат харажатларини қоплаш учун пул устамалари (чегирмалари) берилиши назарда тутилган бўлса, улар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

дебет 6011 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланандиган счётлар — тизим ичида» счёти;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти».

3. 104-банддаги «ва (9400) давр харажатлари ҳисобга олувчи тегишли счётлар» деган сўзлар «счётлар ва 9130 — «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счёти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 107-бандда:

«а» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) донни норматив кўрсаткичларга қадар қуриштириш ва тозалаш бўйича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хизматлар кўрсатишдан олинандиган суммага:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинандиган счётлар» счёти;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти»;

«в» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) хизмат кўрсатиш бўйича бажарилган ишларнинг ҳақиқий ҳажмига тааллуқли бўлган донни қуриштириш ва тозалаш харажатлари суммаси дон маҳсулотлари ва донни қайта ишлаш корхоналарида 9130 — «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счётининг дебетида 2311 —

«Донни қуритиш, тозалаш ва қўшимча ишлов бериш бўйича харажатлар» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади».

«г» кичик банд чиқариб ташлансин.

5. 109-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«109. Харидорнинг тозаланмаган донни қуритиш ва тозалаш бўйича кўрсатилган хизмат харажатларини қоплаш учун чегирмалар олиши билан боғлиқ операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби 6011 — «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар — тизим ичида» счётининг дебетида «9030 — «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади».

6. 124-банднинг «е» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) уруғлик материалларни норматив кўрсаткичларга қадар қуритиш ва тозалаш бўйича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хизматлар кўрсатишдан олинадиган суммага:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

кредит 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар» счёти».

7. Йўриқноманинг 1, 2, 3 ва 6-иловаларидаги «9390» рақами «9030» рақами билан алмаштирилсин.

8. Мазкур ўзгартиришлар «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси билан келишилган.

*«Ўздонмахсулот» акциядорлик  
компанияси бошқарув раиси*

**Э. ҚУДРАТОВ**

*2011 йил 14 июнь*

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат дон инспекцияси бошлиғи*

**З. АБИДОВ**

*2011 йил 14 июнь*